



“СУВ” АСОСЛИ СОДДА ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ma'suma Mo'minova,

Shahrisabz davlat pedagogika instituti o'qituvchisi

Аннотация

Annotatsiya: Мазкур мақолада содда тузилишдаги “сув” компонентли бирликлар ва улардаги лингвокультурологик хусусияти борасида “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да келтирилган сув лексемасининг маъноларини маданий код белгисига эгалик/ эга эмаслик белгисига кўра тасниф жадвал асосида ишлаб чиқилган. Сув лексемасининг денотатив семантикандан келиб чиқкан ҳолда унинг “Қутадғу билиг” ва мумтоз манбалардаги ифодасига тўхталиб ҳам ўтилган.

Калит сўзлар: содда лексема, денотатив семантика, маданий код, фразема, ўз маъно, кўчма маъно, лингвокультурологик.

Annotation: In this article, the classification of the meanings of the lexeme water given in the "Annotated Dictionary of the Uzbek Language" according to the cultural code symbol ownership/non-ownership of the "water" component units and their linguistic-cultural characteristics was developed on the basis of the table. Based on the denotative semantics of the lexeme Cuv, its expression in "Kutadgu Bilig" and classical sources was also touched upon.

Key words: simple lexeme, denotative semantics, cultural code, phrase, self-meaning, figurative meaning, linguo-cultural.

Аннотация: В данной статье приведена классификация значений лексемы вода, приведенная в «Аннотированном словаре узбекского языка», по признаку культурного кода принадлежности/непринадлежности составляющих единиц «вода» и их лингвокультурологическим характеристикам. разработан на основе табл. На основе денотативной семантики лексемы Цув затронуто также ее выражение в «Қутадгу билиг» и классических источниках.

Ключевые слова: простая лексема, денотативная семантика, культурный код, словосочетание, самозначение, переносное значение, лингвокультурологический.



Инсон фаолияти давомида борлиқ ҳақида билимга эга бўлиб, воқеа-ҳодисаларни ўзлаштириб боради. Нарса-буюм, воқеа-ҳодисага ном беради. Номда инсон онгидаги қабул қилинган ахборот, миллый-маданий белгилар мужассамланган бўлади. Инсон борлиқни, олам манзарасини тилда акс эттирад экан, тил бирликлари имкониятларидан фойдаланади. Тил бирликлари олам манзарасини тасвирлашда умумий хусусиятлари билан бирлик ҳосил қилган ҳолда бир қатор белгилари билан фарқланади. Олам ҳакидаги ахборот, борлиқ ҳакидаги тушунчалар лексемалар, фраземалар, мақолларда ўзига хос тарзда намоён бўлади.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да келтирилган сув лексемасининг маъноларини маданий код белгисига эгалик/ эга эмаслик белгисига кўра қўйидагича таснифлаш мумкин:

2 жадвал

<i>№</i>	<i>Сўз</i>	<i>Маъноси</i>	<i>Маданий код</i>
1	<i>Сув</i>	Водород билан кислороднинг кимёвий бирикмасидан иборат рангиз, ҳидсиз шаффоф суюқлик	-
2	<i>Сув</i>	<i>Суюқ ичимлик</i>	-
3	<i>Сув</i>	Сой, кўл, дарё ва ш. к. нинг сувли сатҳи ҳақида. <i>Гидронимлар</i>	+
4	<i>Сув</i>	Тармева, сабзавот ва ш.к. таркибидаги шира, шарбат, суюқлик	-
5	<i>Сув</i>	Тирик организм ва аъзолардан ажралиб чиқадиган суюқлик, тер	+
6	<i>Сув (кўчма)</i>	тўғри ёки тўлқинсимон чизик шаклидаги гул элементи	-
7	<i>Сув</i>	<i>ўлчов бирлиги</i>	-
8	<i>Сув</i>	<i>Сўз бирикмаси таркибida: Сув хотин, сувпари (мифологик образ)</i>	+
9	<i>Сув</i>	<i>Бетъам, bemaza</i>	-



10	Сув	Исталган предмет таркибидаги намлик	-
----	-----	--	---

Сув лексемаси матнда денотатив семантиканан келиб чиққан ҳолда қуидаги маъноларда қўлланади:

сув географик атама сифатида қўлланади: *Жавоб бермогимиз керакким, қуруқлик билан сув бор деб. Тағин агар сўрасаларким, қуруқлик кўбми сув кўбми?* *Жавоб берамизким, дунёning тўрт ҳиссадан бир ҳиссаси қуруқлик, уч ҳиссаси сув деб* (ВМ, 67)²⁴.

Бадий матнда тўрт унсурнинг бири сифатида тасвирланган: сув, олов, тупроқ, ҳаво. *Тўрт бир-бирига зид унсурларни ягона таркиб (инсон вужуди)га бирлаштиридингки, улар тупроғу олов ва суву ҳаво эди* (СЗ, 11). *Маъни ўргатувчи муаллимнинг мактабини кўргинки, сув, ҳаво, оташ ва тупроқ* (СЗ, 68). Мумтоз манбаларда “аносири арба” кўринишида фаол кузатилади. “Аносири арба” ҳозирда тарихий асарлар матнида учрайди. Буни хам табиатдаги турт унсур — олов, ҳаво, тупроқ, **сув** каби «аносири арабага монанд» деб таърифлади (ПҚ, 16).

Мумтоз манбаларда сув ўз маъносида киёвий элементни, тириклик манбани, ҳаётнинг асосини ифодалаб келган. Халқимизда сув ичиладиган идишлар алоҳида номлангани сувнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини кўрсатади: *sagraq* — сув ва бошқа нарсалар ичиладган идиш, коса; *senak* — сув ичиладиган идиш. Ёғочдан қилинган заррин коса²⁵.

“Кутадғу билиг”да сув сўзининг ўз маъноси ва тимсол характеристидаги қўчма маъноси бадий мақсадлар учун хизмат қилган. *Ew almaq tiläsäj ayit qoşniśin, yet almaq tiläsäj ayityil suwīn* байтида сув ўз маъносида қўлланган: “Уй олмоқни истасанг қўшни(лар)ини суриштир, ер олмоқ истасанг сувини суриштир” (ҚБН, 4444; 164b15). Байт мазмуни “Ҳовли олма, қўшни ол”²⁶ мақолига тўғри келади. **Ayit**= сўзи “сўрамоқ, суриштиromoқ” маъносида келган. Юсуф Ҳожиб кишилар ўртасидаги

²⁴ Маҳмуд В. Танланган асарлар. Мунаққид ҳакида сўз. –Б.8. Кейинги мисолларда ВМ тарзида қисқартириб берилди.

²⁵ Абдулаҳатов Н. ва б. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асаридағи лексик бирликлар тадқики. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. –Б.69.

²⁶ O'zbek xalq maqollari. –Toshkent, 2005. –B.132.



ижтимоий муносабатлар ва ҳаёт кечириш тарзи нуқтаи назаридан ёндашган. Уй – инсоннинг истиқомат манзили. Инсон ҳаёт кечириши учун табиий равишда қўшнилар билан муносабатга киришади. Шунинг учун ҳам яхши қўшни “рисоладаги уй” тушунчасининг аҳамиятли белгиси ҳисобланган. “Ер олиш учун сувни суриштириш” тушунчасида инсоннинг сув истеъмоли ҳам назарда тутилган бўлса-да, асосан, сув дехқончилик билан шуғулланадиган аҳоли учун фаровонлик белгиси сифатида баҳоланганди. Экин-тикиннинг сув билангина ривожланиши назарда тутилган.

Сув *ačiň* сўзи билан сифатланиб, ўз маъносида нарса-буюмнинг маза-таъмини ифодалаган, “chanqoqni қондирмаслик” семасини намоён этган: *Ačiň suw teg kör ul bu dunya näji, nečä ičsä qanmaz ölimäz tili* – Бу дунё нарсаси шўр сув кабидир, назар сол, (киши) қанча ичса (ҳам) қонмайди, тили ҳўлланмайди (ҚБН, 3568; 133a14)²⁷. *Ačiň* лексемаси қўп маъноли сўз сифатида қўлланган. Бу сўзнинг маънолари: “аччик, нордон, шўр; оғир, қийин, мاشаққатли”. *Ačiň* “шўр” лексемаси сув сўзига қўшилиб, “яроқсиз” семасининг юзага келишига асос бўлган.

Юсуф Хос Ҳожиб сувнинг “оқиш” семасидан ижобий ҳаракат-ҳолатни акс эттиришда фойдаланган: *Aqar suw teg ul bu tilin eđgü söz, qayuqa bu aqsa čečäk ündi tüz* – Тилдан чиқадиган эзгу сўз оқар сув кабидир, бу (сув) қаерга оқса, ҳамма ёқда чечак унади (ҚБН, 2648; 101a1). Ушбу мисраларда тилдан чиқадиган *eđgü söz* бирлиги *aqar siwga* ўхшатилган. Оқар сувнинг чечаклар ундириши, оламни яшилликка буркаши эзгу сўзнинг киши кўнглини яшнатиши, кайфиятини кўтаришига қиёсланган²⁸. Бу ўринда *oқар* бирлиги сув сўзининг ҳаётбахшлик белгисини намоён қилмоқда. Юсуф Хос Ҳожиб эзгу сўзнинг инсон руҳиятига ижобий таъсирини яхши англаган ва унинг қийматини ёритиш учун сув эталонини танлаган. Халқ оғзаки ижодидаги *Яхши сўз* – жон озиғи, *Яхши сўзга илон инидан чиқади* каби мақолларда хуш, илиқ муомаланинг киши руҳиятини озиқлантирувчи манба сифатидаги аҳамияти ўз ифодасини топган.

²⁷ Холмурадова М. “Қутадғу билиг” лексикаси. Филол. фан.фалс.док. (PhD). –Т.,2019.-Б.135.

²⁸ Холмурадова М. “Қутадғу билиг” лексикаси. Филол. фан.фалс.док. (PhD). –Т.,2019.-Б.135.



Сув лексемаси бирикмалар таркибида ўз ва кўчма маъноларда қўлланади: *сув ичмоқ* 1) сув истеъмол қилмоқ; 2) суғорилмоқ; *сув қўймоқ* – суғориш учун сувнинг йўлини очмоқ, суғормоқ; *сувнинг қўтарилиши* – дарё ёки денгиз ҳавзасидаги сув миқдорининг ошиши.

Хўл мева, сабзавот ва ш.к. таркибидаги шира, шарбат, суюкликни билдиради: *анор суви, сабзи суви, пиёз суви, лавлаги суви, помидор суви*;

Сув кўчма маънода қўлланиб, мазмунни таъсирчан етказиш воситасига айланган: *Ерлар қор майсалари билан ўратилган, ёғочлар оқ барглар очгон; манфур, хунук капалаклар кишининг қўл-бетига оқиб, кўпуруб, тошиб урилмоқда, сув эса табиатнинг қоттизлигини кўриб, юрагига тош боғламоқда* (ВМ,95). Бу матн парчасида *сув жонлантиришнинг ташхис кўриниши* асосида коннотатив маъно ифодалаган.

Сув бир қатор ўринларда кўчма маънода қўлланиб, метафора асосида турли денотатни ифодалаб келади:

Сув – давр. “Йиллар, узок давр” маъносини англатади: *Қанчадан-қанча сувлар оқди.*

Сув – намлик: *Сўз бораётган манзилда мингларча ўрмонлар учрайди.* (Бу ўрмонларда баҳайбат) дараҳтларнинг ҳар бир япрогида ўзларининг ердан сув тортиб оладиган томирлари билан маҳрумлик, умидсизлик ҳарфлари ёзиб қўйилганлигини кўриши мумкин. (СЗ,72)²⁹.

Сув – поклик, тозалик рамзи: *Чун сув ичра зотима таскин бўлуб, Пок доманлиғ манга ойин бўлуб, Поклик чун сувдин эттим иктисоб* (НР,54).

Сув – тиниқлик рамзи. Сувнинг тиниқлиги унинг ойна ўрнида қабул қилинишига асос бўлади: *Ким назар қилғон киби кўзгуда эл, Еки боққай соғу равшан сувда эл* (НР, 156).

Сув – тириклик, ҳаёт манбаи: *Ўрдак оғоз этти: «К-эй фархунда зот, Сув била бўлмиши манга қойим ҳаёт* (НР,54). Сув жонзотларни озиқлантирувчи, уларнинг тириклигини таъминловчи неъмат сифатида қайд этилган: *Қўйниким сув, ўтқа бошқармас шубон, Ул сурукни айлагил зоеъ гумон* (НР, 82).

²⁹ Алишер Навоий. Ситтаи Зарурия. Дебоча . С.Сайфуллох. –Тошкент, 2008. Нашр саҳифалари (СЗ) тарзида кўрсатилди.



Сув кишилик жамиятида муҳим ўрин тутгани, ўзбек маданиятида сувга “ҳаёт манбай” деб баҳо берилгани бу тушунчанинг маданий код даражасида такомиллашувига асос бўлган. Агарчи «барча нарса сувдан яралган» бўлса ҳам, сувга чўккан ўлади, тирик қолиши маҳол.(МАТ,20,243)

Сув – май. Мумтоз матнларда сув “май” тушунчасини ҳам ифодалаб келган: У (гўзал) ўтга ўхшаган сув (май) ичганлиги сабабли юзи ўтга айланди (МАТ,20,122). Бир қанча вақтдан бери рўзгор ахлидан ранжиганман, эй соқий, бу ранждан кутулишимни истасанг май бер. Уни май эмас, ўтдек сув дейиш керак, чунки уни ичган киши на сувда, на ўтда қарор топади (МАТ,19,9).

“Май” тушунчаси узум суви бирикмаси билан ҳам ифодаланиб, “оби ҳаёт”га қиёсланган ўринлар учрайди. Фоний майдан мангур ҳаёт топди, ёки бу узум суви – оби ҳаётми? (МАТ.19.10).

“Май” тушунчаси аччиқ сув бирикмаси билан ҳам ифодаланиб, салбий ҳолатга асос бўлган ашё сифатида баҳоланганд. Майхонада шўру ғавғо соловчи мұғбачалар бор, улар аччиқ сув билан бало ўтини алантантириб юборадилар Улар ғамза билан ақлни овлаб, ишва билан тақвони куйдирадилар, ваъда билан рухга фириб бериб, тилёғламачилик билан алдайдилар (МАТ,19,25).

Май “хурсандчилик суви” деб сифатланган: Илк баҳорда қадаҳга айшу хурсандлик сувини қуй, булут сингари фалаклар гунбазига ғулегула сол (МАТ.19,24)

Май “бақо суви” деб сифатланган: Қадаҳ тортдиму хумор балосидан қутулдим, бақо сувини ичгач, ўлимдан халос топдим (МАТ,19,76).

Май сувнинг асосий сифатларидан бўлган тиниқ тушунчаси билан сифатланган: *Мусалло (мачит, ибодат жойи) сувига тушигандан кўра, этагим зарини тиниқ майга ташлаганим яхшироқ* (МАТ,19,144).

Сув – кўз ёши: «Йўқ кўз ёшимдин ўзга сув, Қон келур ҳардам боғирдин кўзга сув» (НР,66). Шайх деди: –Кўз ёшимдан ўзга сувим йўқ, бағримдан ҳар дам кўзимга қон ёшлар келади!(ЛТ,37). Кўз ёши бирлиги ашқ денгизи тасвирий ифодаси билан сифатланиб, мўлликка ишора қиласиди. Йўлда унинг қоматини кўриб, ашқим денгизи тезлашиди, Оёгининг остига тўкилган сувим (кўз ёшим) бошдан ошиди (МАТ,20,113).



Сув – тенглик асоси. Сув сўзининг “тенглик” маъноси ҳам (денгиз сўзининг этимологияси ҳам *тенг* сўзига боғланади. Чунки денгиз сатҳи тенг бўлади, сув ҳавзада паст-баланд бўлмайди. Шу боис ҳам географияда баландлик денгиз сатҳи билан ўлчанади: *Сув вужудидин тенгиз бўлди тенгиз, Бўлса ул гар мавжлук, гар мавжсиз* (НР, 157).

Сув концепти “денгиз”, “дарё”, “ариқ” тушунчаларини акс эттиради.

Сув – дengiz: Чун оғир эрди дирамдин лангари, Сув тубин тутти садафдек гавҳари (НР,97). Бир мамлакатда ўн кун турмас, савдоси тугагач, яна сув сари йўл тутар эди. У денгизни ҳар хил оғатлардан холи деб ўйлаб, йиллар шу янгилиг сафар қилди (ЛТ,29).

Денгизнинг мавжудлиги ҳам сув билан, деган талқинлар учрайди. Денгиз ва сув ўзаро алоқадор, баъзан бири иккинчисининг ўрнида қўлланадиган тушунчалардир. Денгиз, хоҳ у мавжли бўлсин, хоҳ мавжсиз, ўзидағи **сув** билан денгиз саналади. **Сувсиз** мавж ҳосил бўлмайди. Мавжнинг бору йўқлиги денгизга боғлиқдир.(ЛТ,95)

Сув – дарё, ариқ: Орзу-ҳавас қули бўлган ахлоқсиз фосиқлар, юз хил шошилинич билан либосларини ечиб, ўзларини сувга отадилар (СЗ,27).

Баъзан сувнинг ўзига тегишли қайси макон маъносида келгани контекстда аниқ кўрсатилган бўлади:

сув–дарё: Шундан сўнг, қўлини ювмоқчи бўлиб дарё лабига энгашди. Аммо тўнига тиккан олтинлари оғирлик қилиб, уни **сувга** тортиб кетди. Хасис киши ана шу ёмон феъли туфайли **дарёга** чўка бошлади. У **сувдан** чиқмоқчи бўлиб, изтироб билан чунон талпинар, бирор келиб қутқарар, деган умидда бақириб-чақирав эди (ЛТ,56).

сув – чаима: Асмаъий **сув** ёқасида бирмунча вақт ўтириб, ҳордиқ чиқарди, кўнгли ғамлардан халос бўлди. Табъи шу ерга нақшланиб, чашма бошида хат ёзилган бир тошни кўрди (ЛТ,78).

Сув – қўл. Сув лексемаси “кўл” маъносида қўлланган: Ярим кечада сув тулпори кўлдан чиқибди-ю, бияга қарамай, тойчоқни эргаштириб **сув** тубига кириб кетибди (ЎХ,246).

Сув–фонтан: Шу кунларда Тошкентда одамлар иссиқдан қочиб, ўзини сувга уряпти (ЎХ,245).



Ўзбек маданиятида сув билан боғлиқ ўхшатишлар кўп қўлланади.

Ўхшатишларнинг барчасида ўзбек халқининг сув белгиларини ўзлаштириш хусусиятлари, сув билан ифода этилаётган нарса-буюм, ҳодиса ўртасидаги алоқадорликни англаш, идрок қилиш қобилияти намоён бўлади.

Панини грамматикасидан бошлаб (эрамиздан олдинги IV аср)” қадимги ҳинд шеърий-грамматик трактатларида ўхшатишлар поэтик фигура сифатида ўрганилган. Ўхшатишнинг тўрт унсурдан иборат бўлиши қайд этилган:1) ўхшатиладиган нарса ёки субъект; 2) унга ўхашаш бўлган нарса ёки объект; 3) ўхшатиш белгиси ёки ўхшатиш асоси; 4) ўхшатиш кўрсаткичи. Н.Маҳмудов ҳамда Д.Худойбергановалар ўхшатиш элементларини ўхшатиш субъекти, ўхшатиш эталони, ўхшатиш асоси ва ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичига ажратишган³⁰.

Ўхшатиш нарса-буюм, воқеа-ҳодисани яққол тасвирлаш, тингловчи кўз ўнгидан намоён қилиш мақсадида ишлатилади. Ўхшатиш халқ қузатган, кундалик тажрибасига асосланган нарса-ҳодиса этalon сифатида олинади. Ўхшатишлар ахборот беришдан ташқари эмоционал-экспрессив функция бажаради. Ўхшатишлардан мумтоз шеъриятда кўп фойдаланилган.

Ўхшатишларнинг икки тури:1) индивидул-муаллиф ўхшатишлари; 2) умумхалқ ўхшатишлари ёки турғун ўхшатишлар.

Турғун ўхшатишлар эталонида акс этган образ барқарор бўлади. турғун ўхшатишлар тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлади³¹.

Сув –ранг: У ҳар доим ранг истаб чиққанида, идии рангида намоён бўлувчи сувдек мулойим рангларга эришади (С3,16).

Севгисиз юрак сувсиз қолган воқеликка ўхшатилади: *Сувсиз юрак:* «Севгисиз қолғон юрак сувсиз қолғон кабидир»³². Сув инсон танасини озиқлантириб турувчи модда. Юрак фаолиятининг амалга ошишида ҳам сув муҳим ўрин тутади.

Сувсиз балиқ: «Севгисиз қолғон юрак – сувсиз қолғон балиқ кабидир, унинг ҳар тебраниши бир жон чекишидир».(ВМ,45).

³⁰ Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013. –Б.5.

³¹ Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013.-Б.5.

³² Маҳмуд В. Танланган асарлар. Мунаққид ҳакида сўз. –Б.8. Кейинги мисолларда ВМ тарзida кискартириб берилди.



Сувдай билмоқ (ёки ичмоқ, эзіб ичмоқ) – жуда яхши билмоқ, чуқур, пухта билиб олмоқ, эгалламоқ. Сувдай билиш сувнинг силлиқлиги, оқиши, тўсиқларни очиш хусусияти намоён бўлади. Шу билан бир қаторда “сувдай билиш” сувда хотира, идрок бор, “сув ахборотни сақлайди”, “узатади” деган қараш сув концептида билим билан алоқадорликни юзага келтирган. Сувнинг билиш, хотира билан алоқадорлиги қадимги манбалардаги этнографик муносабатларда ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, “Девону луготит турк”да сув билан боғлиқ болалар ўйинлари келтирилган. “Монуз-монуз” / “Мўнгуз – мўнгуз” деб номланган болалар ўйини сув бўйида ўйналган. Ўйин моҳиятига кўра, болалар денгиз (сув) бўйида тиз чўкиб ўтирадилар. Сонлари орасига ҳўл қум солиб тўлдирадилар. Сўнг қўллари билан қумни урадилар. Ўйинбоши (онабоши) “Монуз-монуз” дейди. Қолганлари: “На монуз?” деб сўрайдилар. Онабоши бирин-кетин шохли ҳайвонларни санаб кетади. Қолганлар такрорлайди. Сўнг она боши шу номлар орасига туя, эшак каби шохсиз ҳайвонлар номини айтиб чалғитади. Болалардан бирортаси она бошининг кетидан шохи йўқ ҳайвон номини айтиб юборса, уни сувга итариб юборишади (ДЛТ, III, 375). Маҳмуд Кошғарий сувда шўнғишида баҳслашиш ҳам мавжуд бўлган таъкидлайди (ДЛТ, II, 241). Ф. Жаҳонгиров “Мўнгуз-мўнгуз” ўйинини шу кунга қадар сақланиб қолган “Қушим боши” ўйинига қиёслайди³³. Мазкур ўйин замонавий методиканинг моҳиятини акс эттиради. Хотира, идрокни чархлашга, ақлни ривожлантиришга хизмат қиласи. Бу ўйин турини замонавий кейс топшириқларининг бир кўриниши сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Шу ўринда ҳақли равишида савол түғилади: ўйин нега айнан сув бўйида ўйналган? Таъкидланганидек, сувда хотира борлиги ҳақидаги ёндашув ўзбек халқининг азалий қадриятларидан бири ҳисобланади. *Яхшилик қил, сувга сол, сув билмаса, балиқ билар, балиқ билмаса, холиқ билар!* Халқ сувни “эшитади, эслаб қолади” деб тасаввур қиласи. Фольклоршунос олим Ш. Турдимовнинг айтишича, халқимизда ойнага сувнинг акси деб қараш ва унда хотира сақланиши ҳақидаги тасаввур бўлган. Шунинг учун ҳам энг қадимги даврларда халқда инсонни кўмишда ойна солишгани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Яъни инсоннинг хотирасини бирга

³³ Жаҳонгиров Ф. Ўзбек болалар фользори. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978. –Б.293. Бу ҳақида каранг: Абдулаҳатов Н. ва б. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асаридаги лексик бирликлар тадқики. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. –Б.15.



кўмишга амал қилишган. “Мўнгуз-мўнгуз” ўйинида шохли ва шохсиз ҳайвонни тўғри идрок эта олмаган болани сувга итариб юборадилар. Демак, сув унга хотирани тиклашда, ақлини такомиллаштиришда ёрдам беради, деган ёндашув бўлган. XX аср бошларида жадидчилик ҳаракати даврида маърифий аҳамиятга эга бўлган журналларга “Онг”, “Улфат”, “Ойна” деган номларнинг қўйилиши ҳам бежиз эмас.

Ўзбек тилида ўхшатишга асосланган *Сувдай сероб бўлинг* ундов бирикмаси кўлланади. *Сероб* форсча-тожикча сўз бўлиб, “сувли” деган маънони билдиради. *Сувдай сувли* – лексик плеоназм ҳодисаси кузатилади. Мазкур ундов бирикма таркибида *сероб* “мўл” деган мазмунни ифодалаган.

Сув қуйгандек (тинч, жимжит) – чурқ этган овоз йўқ, жим-жит (ЎТИЛ,3,577). Ҳеч қандай товуш-шарпа йўқ. Варианти: *сув сепгандай. Ари уясидек ғувиллаб турган аудитория бирдан сув қуйгандай жсимжит бўлиб қолди.* О. Ёқубов. Муқаддас. (Ш.Р.) Мана, ҳозир ваҳимали қоронгиликда **сув қуйгандай** жимиб ётган шаҳарни оралаб борар экан, бир неча қадам олдинда Хонзода бегим ҳам кетаётгани, мавлоно уни шу навкарлар қатори химоя қилиши мумкинлиги кўнглига бир қадар таскин берарди (ЮТ,112)

Хулоса қилиб айтганда, сувнинг қўйилиши кўпгина жараёнларни тинчлантиради, сув лексемасида “бир хил маромдалик”, “сокинлик” семалари бор. Жимликнинг, сукунатнинг сув қўйган ҳолатга ўхшатилиши тил соҳибининг сув қўйилиши жараёнларини кузатиши, тажрибаси асосида шаклланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдулаҳатов Н. ва б. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асаридаги лексик бирликлар тадқиқи.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. –Б.69.
2. Алишер Навоий. Ситтаи Зарурия. Дебоча . С.Сайфуллоҳ. –Тошкент, 2008. Нашр саҳифалари (СЗ) тарзида кўрсатилди. (PhD). –Т.,2019.-Б.135.
3. Жаҳонгиров Г. Ўзбек болалар фольклори. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978. –Б.293.
4. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013. –Б.5.
5. Маҳмуд В. Танланган асарлар. Мунаққид ҳақида сўз. –Б.8. Кейинги мисолларда ВМ тарзида қисқартириб берилди.



6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. (А.Мадвалиев таҳрири остида). – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006 – 2008.
7. O‘zbek xalq maqollari. –Toshkent, 2005. –B.132.
8. Холмурадова М. “Қутадғу билиг” лексикаси. Филол. фан.фалс.док.